



## ФРАНЦУЗ РОМАНТИЗМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИГА ШАРЛЬ НОДЬЕ ИЖОДИНИНГ ТАЪСИРИ

*Қаршибаева Улжан,*

*Самарқанд давлат тиббиёт институти фил.ф.д.*

*Калит сўзлар:* романтизм, монархияпарастлик, классицизм, адабий танқид, роялист, инквизиция, индугенция.

Атоқли адабиётшунос Л.Г. Андреев ҳам Шарль-Огюстен де Сент-Бёвнинг француз романтизми бошловчилари Ф.Шатобриан ва Жермена де Сталь деган фикрни эътироф қилар экан, бу даврда Францияда адабий ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар жуда мураккаб эканлигини кўрсатади [Андреев 1979: 331-332]. Сент-Бёв ёзганидай, француз романтизми Шатобриан ва Жермена де Сталь ижоди ва эстетик қарашларида ифодасини топган икки хил йўлдан борган эди. Бири Ф.Шатобриан эстетик қарашлари ифодаланган “Христианлик даҳоси”да айтган монархияпарастлик ва художўйликни ҳимоя қилувчи руҳоний романтизм, иккинчиси – буюк француз революцияси ғоялари, гуманизм ва шахс эркинлиги, ижтимоий тенглик, халқпарварлик идеаллари учун курашувчи революцион романтизм вужудга келиб шакллана бошлади. Революцион романтизм атамаси ва тушунчаси француз романтизмининг етакчи хусусиятларидан эди.

Француз романтизми ижодни чекловчи классицизмга қарши курашган бўлса ҳам Шекспир, Жон Милтонлар ижодидан, антик адабиётдан руҳланган классицистлар Пьер Корнель, Жак Расин ижодидан ҳам баҳра олар эдилар.

Бизнинг фикримизча, француз романтизми етакчиларидан учинчиси – бадий ва илмий асарларида антик адабиёт хазиналарини, “эски”, “қадимги” китобларни чуқур ўрганишга чақирган Шарль Нодье эди. У жонкуяр китобсевар-баблиофил сифатида француз революцияси (1789-1794), Наполеон империяси ва унинг ағдарилиши йилларида қатл этилган ёки эмиграцияга

кочган аристократлар, дворянларнинг кутубхоналаридан кўчага улоқтирилган, ажойиб, нақшин, зарҳал муқовали нодир китобларни йўқолишдан сақлаб, сотиб олиб, библиография тузиб, уларни ўқишга даъват қилган. Тадқиқотчилар ёзишча Ф.Рабле ва Сирано де Бержерок, Данте, Тассо, Петрарка асарларининг нодир нусхаларини Ш.Нодье топиб, асраб, ёш авлодларга етказган [Нодье 1989: 22].

Романтик адиб сифатида Ш.Нодье “Қувғиндилар (“Изгнанники)”, “Зальцбургли рассом”, “Адель”, “Жан Сбогар” романларида Ф.Шатобриан изидан бормади ва гуманизм, бадиият жихатидан уни орқада қолдирди. У адабий давраларда ёш В.Гюгони кўллаб-қувватлади.

В.Гюгонинг адиб сифатида шаклланишида безансонлик адвокат ўғли, вундеркинд, серқирра истеъдод сохиби (ботаника, топонимика, лингвистика, энтомология-ҳашаротшунослик, адабий танқидчи) бўлган Шарль Нодье етакчилигида “Арсенал” кутубхонасида ташкил этилган адабий давранинг ҳам таъсири муҳим аҳамиятга эга. Буюк француз революцияси бошланганида (1789, Бастилиянинг олиниши) Шарль Нодье 9 ёшда эди. У 12 ёшида Безансондаги “Конституция дўстлари жамияти” мажлисларида қизгин революцион нутқлари билан ҳаммани ҳайратга солган эди. 1802 йилда Ш.Нодье Парижга келиб, ёш романтиклар тузган “Антик донишмандлар”га қўшилди. В.Гюгонинг “Тўқсон учинчи йил” романида ҳаққоний тасвирланган роялистлар-киролпарастларнинг ҳам, инқилобчиларнинг ҳам фанатизми, шавқатсизлигини, бу курашларда ҳар икки



томондан юз минглаб одамларнинг ўлдирилиши ва қувғин қилинишини Ш.Нодье ўз кўзи билан кўради. Ўзи ҳам Наполеон консуллиги даврида, 21 ёшида унинг жабр зулмини, босқинчилигини танқид қилиб ода ёзади, сиёсий исёнкор сифатида Франциядан қочиб, Швейцарияда, Юра тоғларида, Илларияда (ҳоз. Босния, Черногория) қувғинда яшайди.

Шарль Нодье ёшлигида ёзган романтизм руҳидаги асосий бадиий асарлари “Стелла ёхуд қувғиндилар” (1802), “Зальцбурглик рассом” (1803), романларида оиласидан, ватанидан узокда, ёлғизликда яшаётган гўзал қалбли, илғор фикрли инсонларнинг орзу –армонларини, фожиали қисматларини тасвирлайди.

Ш.Нодьенинг “Қувғиндилар” романи сарлавҳасида ўзига устоз деб билган Ф.Шатобрианнинг “Жафокашлар” романига ўхшашлик кўринади. Ф.Шатобриан (1768-1848) 1789 йилги буюк француз революцияси оқибатида қирол тарафдорлари қаторида оиласи билан сургун қилинади, қувғинда яшайди. У христианлик диний эътиқодига содиқ бўлса-да инквизицияга, индульгенцияга, роҳиблар, епископларнинг текинхўрлигига қарши эди. У Ж.Руссо асарлари таъсирида ёзган “Ўтмишдаги ва ҳозирги революциялар тажрибаси” (“Опыт”) асарида ўзининг қандай шахс эканлигини, ички дунёсини тадқиқ этади. Шу билан бирга у якка шахснинг революция давридаги хис-туйғулари, кечинмалари, бошига тушган фалокатларни, қайғуларни ҳам таҳлил этади. Ш.Нодье ҳам “Қувғиндилар” романида якка шахснинг хис-туйғуларини, кечинмаларини тасвирлайди.

Россия адабиётшуноси Д.Д.Обломиевский “Француз адабиёти тарихи” китобининг “1830 йилгача француз романтизми” бобида ёзишча, Ш.Нодье болалик ва ўсмирлик йилларидан бевосита революция қатнашчилари даврасида яшаб, бу воқеаларни ўз кўзи билан кўрди. Унинг отаси республика тузуми вақтида (1789-1795) революцион

ҳукуматда, Безансон революцион суди (трибунали)нинг раиси эди. Ш.Нодье ёшлик йиллари инклубий нутқлари билан монархия деспотиясига, теранияга қарши чиқишлар қилган бўлса-да, революция террорига ҳам, монархиячилар террори қатағонларига ҳам қарши эди. У 13 ёшида бир дворян аёлини революцион трибуналнинг ўлим жазосидан сақлаб қолади. У отасига қатъий талаб қўйиб, Рейндаги қирол армиясида хизмат қилаётган қариндошига ёрдам бериб, пул юборгани учун ҳибсга олинган аёлини ўлимга ҳукм этсангиз, мен ҳам ўзимни ўлдираман, дейди. Ўғлининг ўжарлигини, инсонпарварлигини билган ота унинг илтимосини бажаришга мажбур бўлади. Ш.Нодье Страсбургда ўқиган вақтларида инқилобчи судья Элензий Шнейдернинг уйида яшаган вақтида, унинг ҳукми билан жуда кўп монархиячилар қатл этилганини, реставрация йилларида эса қирол тарафдорлари уни қатл этганини кўради[Брандес Том-9:213].

Адабиётшунос Г.Брандес 1896 йилда рус тилида нашр этилган Ш.Нодье асарларининг 9-томида, сўзбошида ёзишча, романтик шоир, адиб 1802 йилда Парижга келиб, Наполеон I-консул бўлган директория вақтида унинг деспотиясига қарши ода ёзгани учун, кўп айбсиз одамлар қамокқа олинганида, уларни озод қилиш учун одани ўзи ёзганлигини ички ишлар министри Фушега хат ёзиб маълум қилган. Айбсиз одамлар озод қилиниб, Ш.Нодье бир ойдан зиёд қамокда сақланган. Отаси таниш-билишлари орқали елиб-югуриб, уни Безансонга сургун қилинишига эришган. У, 1805 йилда полиция назоратида бўлса ҳам, Юра тоғида (Швейцарияда) императорга суиқасд қилувчилар даврасига қўшилган. Фитна фош этилиб, баъзилар ўлимга, баъзилар сургунга ҳукм қилинган. Шундан сўнг ёш шоир тиранлар таъқибидан кечиб, 1830 йил инқилобига қадар, 25 йил давомида Франциядан узокда, қувғинди бўлиб яшаган. Ва ўша йиллари романтик руҳдаги энг яхши асарларини ёзган.



Ш.Нодьенинг “Қувғиндилар” романида инсонпарварлик, бахтсизларга ҳамдардлик, севги ва дўстлик табиий фазилатлар сифатида тасвирланади. Асар сюжети поэтикасида лиризм ёлғиз инсоннинг руҳий кечинмалари, ёлғиз қолган одам дўстликнинг қадрига етиши, шахс озодлиги энг қимматли бойлик эканлиги, нафис ва гўзал тил муҳим ўрин эгаллайди. Асар қаҳрамонлари бахтсизликка учраган бўлса ҳам Худодан, тақдирдан қочмаслик кераклиги ҳақидаги фикрлари муаллифни Ф.Шатобрианнинг “Христианлик даҳоси” ғояларига ҳамоҳанг кўринса-да, Ш.Нодье қаҳрамонлари “Рене” ва “Атала” қаҳрамонларига сира ўхшамайди. Бу икки ижодкор ўртасидаги муҳим фарқ шундаки, Ф.Шатобриан қаҳрамонлари психоанализда фақат шахсий ҳис-туйғуларига, ички, руҳий кечинмаларига фарқ бўлсалар, Ш.Нодье “Қувғиндилар”, “Зальцбургли рассом”, “Адель” романларида, “Мадмузель Марсан” қиссида қаҳрамонлар ҳаёт йўлида учраган ўзи каби бахтсизларнинг қайғуларига ҳамдард бўлиб, уларнинг гўзал инсоний фазилатларидан завқланади, бу қаҳрамонлар фожеаларни, фалокатларни ҳам мардона кутиб оладилар ва ўзларининг виждон софлигини, орномусини, олижаноблигини сақлаб қоладилар [Нодье 1993:16]. Бу қаҳрамонлар руҳиятидаги романтизм сиёсатга, ижтимоий лаҳзаларга ҳам бегона эмас. “Қувғиндилар” романи қаҳрамони назарида “Революциялар табиий ҳол, улар инсон касаллиги каби соғайиши учун маълум вақт ўтиши зарур, шунда инсоният дарддан кутилиб, покланади, революциялар тарихи кейинги авлодлар учун сабоқ берувчи мактаб бўлиб қолади” [Нодье 1993:22]. Адиб ватанидан, ота-онаси, ака-укалари, опа-сингилларидан, дўстларидан айрилиб, бегона жойларда яшаётган одамни кимсасиз оролда қолган ёлғиз одамга ўхшатади.

“Қувғиндилар” романида Франциядан қувғин қилинган уч қаҳрамон: биринчи шахс-ҳикоячи, ақлдан озган, телба бўлиб қолган олижаноб йигит Лавли

ва тиранияга қарши курашган, инқилобчи йигитнинг севимли хотини Стелла муносабатлари ва руҳий кечинмалари муфассал тасвирланади. Асар сюжети поэтикасида сирлилик муҳим ўрин эгаллайди. Ҳикоячи (бош қаҳрамон) романтик табиатли рассом қизни қаттиқ севиб қолади. Аёл унинг севгисидан ўзини бахтли ҳис қилади. Бу икки ёш висол чоғлари табиат гўзалликлари фонидан ўзларини бахтли ҳис этадилар.

Аммо, Стелла ўзини бу бахтга нолойиқ деб билади. Виждонан азобланади ва бу севгисини жиноят деб, ўзини ҳалок этади. У ўлими олдидан ўзини қийнаган сирни очади: Стелланинг севгилиси иккита бўлиб чиқади. Қизнинг ота-онаси, аслзода оила вакиллари эди. Улар қизни севган йигитига турмушга берадилар. Бу йигит золимларни тахтдан ағдариш учун курашда жонини фидо қилади. У ўлими олдидан Стелладан “Менга бўлган муҳаббатингни асра!” деб тилагини айтади. Стелла “Асрайман” деб ваъда беради, аммо асролмайди. Ўзини қаттиқ севиб қолган иккинчи қувғинди йигитнинг севгисини рад этолмайди. Бош қаҳрамон Стелланинг христианлик диний бурчини бажаролмай, азоб чекишлари бу асарни Ф.Шатобриан “Рене”сига яқинлаштиради. Бу ерда ҳам, у ерда ҳам “жиноий севги” қораланади. Асар қаҳрамонлари яна И.В.Гётенинг бутун Европада, шу жумладан, Францияда ҳам катта шухрат қозонган “Вертер”ини эслатадилар. Ш.Нодье бунини асарида очиқ айтади. Асарда ҳикоячи-қаҳрамон ҳам, Стелла ҳам “Вертер” романини ўқиб, шу ҳақда муҳокама қиладилар.

Севги учлиги жуда кўп адибларнинг асарларида (аввало Жан Жак Руссонинг “Янги Элоиза” романида) тасвирланган бўлса-да, романтизм руҳи, драматизм кескинлиги, қаҳрамон изтиробларининг теранлиги жиҳатидан Гётенинг “Вертер”и ҳамда Ш.Нодьенинг “Қувғиндилар”, “Зальцбургли рассом”, “Адель”, “Жан Сбогар” романлари бадиий юксаклиги билан ажралиб туради.



Ш.Нодье монархиячилар, киролпарастлар, тиранлар таъқибидан қочиби, Юра тоғларида, дарбадар юрган чоғларида кўрган ажойиб—ғаройиб табиат манзараларини “*Peintre de Saltzbourg*”—“Зальцбургли рассом” романида истеъдодли рассомдай тиниқ, равшан тасвирлайди. Бу романда Ш.Нодье кундалик дафтар ёзувлари услубидан фойдаланади. Биринчи шахс номидан “мен” деб ҳикоя қилиш, қаҳрамон руҳий кечинмаларини, ҳис-туйғулар оламини тасвирлаш, лиризм ва драматизм ҳолатлари романтизм адабиётида муҳим хусусиятлар эканлигини билдиради. Асарда бош қаҳрамон-рассомнинг ватанидан, оиласидан, дўстларидан, жамиятдаги обрў-иззатидан айрилиб, жиноятчидай қочиби юриши бош қаҳрамоннинг азобларини, қайғу-ҳасратларини кучайтиради. Бош қаҳрамон чексиз қайғулари орасида севгилиси Элалининг вафосизлик қилиб, бошқага турмушга чиқиб кетиши уни ақлдан оздиришига оз қолади. Бу гал роман бош қаҳрамони француз эмас, бавариялик рассом Шарль ёки Карл Мюнцер бўлиб, унинг тақдири, табиат ажойиботлари, чеккан азоблари, қайғулари софдил ўқувчилар қалбини ларзага солади.

Умуман олганда Ш.Нодье асарларида гуманизм билан яқин бўлган, ижобий маънодаги сентиментализм руҳи устунлик қилади. Асар қаҳрамонларининг бахтсизлиги, деспотлар, тиранлар, киролпараст золимларнинг дастидан ватанидан, яқинларидан айрилиб, азоб чекаётганлигини таъсирчан поэтик бўёқларда тасвирлаш француз романтизмида муҳим ўрин тутди. “Зальцбургли рассом” романи бош қаҳрамони, кувгинди Карл Мюнцернинг севгилиси исми Элали деб аталиши, Юра тоғларининг тик қоялари, даралар ичидаги дарёларнинг асов шаршаралари, абадий музликлар, яшин-чақинларнинг оловли излари, ёввойи табиат манзаралари ҳам Ж.Ж.Руссонинг “Янги Элоиза” романи қаҳрамонларини эслатади. Ш.Нодье бу романида ҳам бош қаҳрамон-Зальцбургли

кувгинди рассомнинг севгилиси билан бахтли учрашувлари, беғубор севги лаззатлари, асар охирида қаҳрамон севгилисидан айрилиб, яна ёлғиз қолиши, қизнинг рассомни ўлди деб ҳабар эшитгандаги изтироблари тасвири, яна бир фожей севги, никоҳ қуни вафот қилган олижаноб қиз Корделиянинг дафн маросими вақтида яна бир олижаноб, гўзал йигитнинг келиб қолиши, бу маросимни кўриб, ҳушидан кетиши, Зальцбургли рассом уни ҳушига келтириб, уйига элтиши, у билан яқин дўст бўлиб қолиши, кейин билишича, бу ажойиб йигит рассомнинг севгилиси Элалининг эри Вильгельм бўлиб чиқиши, рассом бу рақибини душман деб билмай, унга ҳамдардлик билдириши, иккала дўст бир аёлни севганини ҳам табиий ҳол деб билишлари, тоғ қишлоғидаги деҳқонлар, ёшларнинг байрам қилиб, рақс тушиб, кўшиқ айтишлари, буларнинг камтарона бахтли ҳаёти, рассом йигит ўлиб кетган севгилиси билан учрашувларини, ширин суҳбатларини эслаши, яна ёлғиз қолганида муқаддас китоб Библиянинг қадимги Аху қисми Таврат ривоятлари, Сулаймон пайғамбар, Юсуф, Даниэл, Руфь, Иеремия қиссаларидан тасалли топиши тасвирланади. Асар хотимасида Элали бу икки ошиқдан бирортасига турмушга чиқмай, у дунёга беғуноҳ кетиш учун монастирда сочини кестириб, роҳибага айланиши, Зальцбургли рассом ақлдан озиб, дарё тошқинида ўзини ҳалок қилиши, дўсти Вильгельм уни кафанлаб, кўмиш учун монастир қабристониغا олиб бориши, роҳиблар уни ўз жонига қасд қилгани учун дафнга рухсат бермагани, Вильгельм дўсти Зальцбургли рассомнинг жасадини Дунай дарёсидаги ороллардан бирига дафн этгани, қабри устига катта тош қўйиб, марҳумнинг исмини ёзиб қўйгани, кейинги йили дарё тошиб, тошни ҳам, қабрни ҳам оқизиб кетгани ҳикоя қилинади [Нодье 1993:86-91]. Бу асарда олижаноб, олий ҳиммат, софдил инсонларнинг Франциядан қувилиб, ғурбатда ғарибликда чеккан азоблари ёрқин тасвирлангани билан шуҳрат



қозонди. Асар сюжетининг ўткирлиги,  
кичик ҳамда юксак, умуминсоний

мазмун, гуманистик нафаси билан  
француз адабиётида муносиб ўрин олди.

**Адабиётлар:**

1. Андреев Л. Г. Французская литература // История зарубежной литературы XIX в. Том I, М. Изд. МГУ, 1979, стр. 331-332.
2. Брандес Г. Романтическая школа во Франции. Ш. Нодье. Собрание сочинений. СПб, «Просвещение», Т-9, с. 213.
3. Нодье Ш. Живописец из Зальцбурга. // Ш. Нодье. Любовь и магия. Т. «Шарк», 1993, с. 86-91.
4. Нодье Ш. Изгнанники. // Сб. Ш. Нодье. Любовь и магия. Т. «Шарк», 1993, с. 16.
5. Нодье Ш. Читайте старые книги. М. Изд. «Книга», 1989, стр. 22.

*Karchibaeva U. Influence creative activity Charles Nodier on shaping the French romanticism. Influence creative activity Charles Nodier is researched in article on literature of the French romanticism, his skill, interaction romantic genre and spiritual romantic hero.*

*Каршибаева У. Влияние творчества Шарля Нодье на формирование французского романтизма. В статье исследуется влияние творчества Шарля Нодье на литературу французского романтизма, его мастерство, взаимодействие романтического жанра и духовность романтического героя.*

---

---